



Чўқан Валихонов XIX асрдаги энг йирик олимлардан бири саналади. У ўзидан сўнгги авлодларга Урта Осиё ва Марказий Осиёнинг тарихи, жўгрофияси ва иктисодиётига оид жуда катта илмий мерос қолдирди, ўша минтақадаги кўпгина ноҳияларга унинг ўзи ўта кийинчиликлар билан саёҳат ҳам қилган эди.

Чўқан Валихонов Ўрта Осиёнинг сиёсий тарихи, Кўкон хонлигининг давлат тuzилиши, унинг бошқа мамлакатлар билан сиёсий, савдо ва маданий алоқалари, Ўрта Осиёда яшаётган халқлар ва элатларнинг ҳаёти ва урф-одатларини ўрганишга сезиларли хисса қўшди. Бу борада унинг қуйидаги асарларидан бой ва қимматбаҳо маълумотлар топиш мумкин: «Қирғизлар ҳақидаги мақолалар», «Иссиқкўлга қилинган саёҳат қундали-ги», «Олтишарнинг ёки Хитойнинг Нан Лу (Кичик Бухоро) вилоятига қирувчи олти шарқий шаҳарнинг умумий аҳволи ҳақида», «Жунгория очерклари», «Қошқарга қилинган саёҳат», «Кўкон хонлиги тўғрисида» ва бошқалар.

Чўқан Валихонов қирғиз халқининг тарихини кенг миқёсда ўрганишга катта аҳамият берган. Қирғиз эли ерларини у ўзига хос синчковлик ва диққат-эътибор билан текширади, қирғизларнинг уруғ-қабилалар таркибини, ҳаёти ва урф-одатларини, тарихини, Ўрта ва Марказий Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий тарихида қирғизларнинг тутган ўрнини қўн билан ўрганади. Олимнинг қирғизларнинг автохтон, яъни асл, тўб жой халқдан қилиб чиққанлиги тўғрисидаги ҳулосаси айниқса катта аҳамият қасб этади. Бундай муҳим ҳулосага у қирғизларнинг ўз халқининг жихатидан жуда қадим замонларга қўн тақаладиган кўпгина афсоналарини қўн ва ҳар томонлама ўрганиш асосида қелади. XVI—XIX асрларда қўнтилган форсийзабон ва туркийзабон қўнлўзма асарларни ўрганиш асосида биз ҳам қирғизларнинг Андижон ва Ўш атрофларидаги тоғларда XV асрдаёқ истиқомат қилганликлари ҳақидаги маълумотларимиз билан Чўқан

Вали-хоновнинг юкорида келтирилган хулосасини тасдиқлаймиз. Аммо бу масалани тўлиқ ўргандик, деб айтишга хали эрта. Бу масала ҳам кўлёзма ва бошқа манбаларга асосланиб ҳар томонлама чуқур тадқиқ этишни талаб қилади. Аммо бир нарсани аниқ айта оламизки, бу фикрга биринчи бўлиб Чўкан Валихонов келган. Шунинг учун биз ҳам уни «киргиз тарихшунослигининг асосчиси» деб тўлиқ айта оламиз.

Ч. Валихонов асарларида Ўрта Осиё, Русия ва Шарқий Туркистон ўртасидаги савдо-сотиқ, сиёсий ва маданий алоқалар тўғрисида ҳам муҳим маълумотлар топиш мумкин.

Ч. Валихонов Шарқий Туркистон билан Ўрта Осиё хонлик-лари (асосан Кўкон хонлиги) ўртасидаги савдо алоқалари масаласига тўхталар экан, бу борада фавқуллодда муҳим, қизиқ ва қимматбаҳо маълумотлар келтиради. Бундай маълумотлар ҳам Шарқий Туркистондаги хунарманд ва савдогарларнинг табақалари ҳамда мазкур мамлакатдаги шаҳарларда фаолият кўрсатган ўрта осийлик савдогарларга тааллуқлидир. Ч.

Валихоновнинг маълумотларига кўра, умумий сони ва аҳамияти жиҳатдан биринчи ўринда кўконликлар, кейин бухороликлар, сўнгра бадахшонликлар, кашмирликлар ва балхликлар турганлар, Охирги уч халқ асосан Ёрканд ва Хўтанда истикомат қилганлар. Бундан ташқари, мазкур шаҳарларда кўплаб афгонлар (қобулликлар ва лўғарликлар), бухоро яҳудийлари, ҳиндлар, форслар, ширвонликлар ва татарлар истикомат қилганлар, Бадахшонлик, кашмирлик ва балхликлардан ташқари, барча хорижийлар ўз оксоқолларига эга бўлиб, хитойлар уларни «андцзнджан» («анджонликлар») номи билан атаганлар. Уларнинг ҳаммалари Кўкон хонлиги ва Хитой ҳукумати ўртасида 1831 йили тузилган шартномага асосан Қошғарда истикомат қилувчи, резидент ва консул ҳуқуқига эга бўлган кўконлик оксоқолга бўйсунганлар.

Шарқий Туркистонда турувчи чет элликлар сони тўғрисида Чўкан Валихонов келтирган маълумотлар ҳам диққатга сазовордир: «Муҳожирларнинг аксарияти Қошғарда истикомат қиладилар... фақат андижонликларнинг ўзи тахминан олти мингга боради. Чет элликлар кўп истикомат қилиб турган шаҳар — бу Қошғардан кейин Хўтан, сўнгра Ёрканд ҳисобланади. Оксу ва Учтурфонда эса чет элликлар анча кам. Қошғардаги чет элликлар маҳаллий халқнинг тўртдан бир қисмини ташкил этиб, 145 минг жонга боради». Олимнинг Урта Осиё ва Қошғар ўртасидаги савдо муносабатлари, аниқроғи савдога қўйилган асосий товарлар хақидаги маълумотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу маълумотларга кўра, Ўрта Осиёдан Шарқий Туркистонга олиб бориб сотиладиган товарларнинг асосий қисмини доройи, парча, индиго, ипак газламалар, тери, қўй ва қорамол, афюн, тамаки ва Ўрта Осиёда ишланган бошқа хунармандчилик буюмлари ташкил этган. Шарқий Туркистондан Ўрта Осиёга эса чой, пахта, ипак, бўз, гилам, биллур идишлар ва қумуш келтириб сотилган. Шунинг ҳам айтиб ўтмоқ лозимки, ўрта осийлик савдогарлар Шарқий Туркистон бозорларида Ғарбий Овруподан келган товарлар билан ҳам савдо қилганлар, Швейцарияда, Францияда ва Англияда ишлаб чиқарилган ёрқин қизил ва қизил рангдаги чиллар, инглиз ва амсриқа картон-қоғозлари, қизил тусдаги инглиз кашмири, оқ муслин (ҳарир ва юпка газлама) ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўрта Осиёлик, айниқса кўконлик савдогарлар ўрис товарларининг Шарқий Туркистонда сотилишида ҳам ўртада воситачи бўлиб туриб фаолият кўрсатар эдилар. «Рус товарлари,— деб ёзади Чўкан Валихонов,— Қошғарга Кўкон ва Гулжа орқали келтирилади». Қошғарга қуйидаги рус товарлари: мовут, турли-туман матолар, салла учун пшлатиладиган ҳарир мато, ипак газламалар, парчалар; Ригада ишланган духобалар; ойналар, қалампирмунчок, қалампир, новшадил, симоб, қизил тусдаги бўёқ,

турли-туман металллар (темир, мис, калайи) ва металл буюмлар (самовар, чойнак, ликобча, тогоралар, козонлар, пат-нислар, кулф-калитлар) ва бошқалар олиб борилган, «Кошгарда сотиладиган барча товарлардан олинадиган бож кўконликлар кўлига тушади,— деб хулоса қилади Чўкан Валихонов.

Ўрта Осиё, Русия, Ўрта Шарк мамлакатларининг Хитой билан бўлган савдо муносабатларида айна ўшандай ролни Шаркий Туркистон савдогарлари ўйнар эди. Ташки ишлар вазирлигининг бошқарувчиси Граф Нессельроденинг 1826 йил 5 декабрда ёзилган ва Ч. Валихонов томонидан келтирилган рапортида юқоридаги маълумотлар хакида сўз бўлади.

Олим ўз асарида Ўрта Осиенинг Шаркий Туркистон билан бўлган ўзаро сиёсий муносабатларига ҳам катта ўрни беради. Келтирилган маълумотлардан Шаркий Туркистонга нисбатан юргизилган ҳам Кўкон хонлигининг, ҳам Чинлар Хитойининг сиёсатлари яққол кўзга ташланади. Олимнинг асарларида бу ҳақда жумладан шундай сатрларни ўқиймиз: «...Кўконга катта имтиёзлар берган Бўғдихон ҳукумати улардан, яъни кўконлик-лардан хўжалар устидан назорат қилиб, уларнинг газавот қилишига йўл қўймасликларини талаб қиларди».

Хар иккала тарафнинг манфаатларини кўзлаган ўшандай битимга 1831 йилда қилишилди. Битимга биноан, Кўкон ҳукумати Чин ҳукуматининг босқинчилик ҳаракатларини ҳад ул-ақал Шаркий Туркистон ҳудудида чегаралаб туришга уринса Чин Хитойи эса Марказий Осиёда энг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган мазкур минтақани ўз қўлида ушлаб туришга жон-жаҳди билан уринар эди.

Ч. Валихонов асарларида Бухоро ва Кўкоп хонликларининг Русия билан бўлган сиёсий ва савдо алоқалари хакида ҳам муҳим маълумотлар келтирилган. Биз бу ҳақда олимнинг қуйида-ги мақолаларидан зарур маълумотлар топамиз: «Сарой мушовири Рафаиловни кузатиб борган татарлар Абдурашитов ва Сайфуллинларнинг Тибатдан қайтши хақидаги иш» (гап бу ерда бухоролик тожир Загур (Зухур) Зарипов ва Мусохонларнинг Петербургдаги фаолияти, Семипалатинскда тошкентлик тожир Мансур Мамасаидов бошчилигида аввал Кошгарга ва ундан нари Тибатга борадиган қарвонни хозирлаш хақида боради), «Кўконликларининг Хитой билан 1830 йилги Кошгардаги жанги тўғрисида маълумотлар» (бу ерда 1830 йилда қўкон хони Муҳаммад Алихон тарафидан Русияга элчилар юборилиши хақида гап боради), «Кўкон сафароти хақида» (Кўкон элчиларининг Акмолинск ва Петропавловскга қилиши хақида сўз юритилади), «Кошгарга қилинган сафар хақида» (Анджонликларнинг Семипалатинскдаги савдо фаолияти хақида маълумот берилади) ва бошқалар.

Ч. Валихонов ўз асарларида Кўкон хонлигининг ички аҳволига махсус тўхталиб ўтмаган. Аммо унинг бу ҳақда берган қам, лекин ўта қимматли маълумотлари ҳам муҳимдир. Масалан, олим Шералихон (1842—1862), Худоёрхоннинг биринчи ҳукмронлиги (1845—1858), Маллахон (1858—1862) ҳукмронлик қилган даврларда Кўкон хонлигининг сиёсий аҳволи хақида, айниқса ўзаро феодал урушлар ҳамда хонлар ва хонликка даъвогарлар ўртасидаги тортишувлар хақида қисқа, лекин аниқ маълумотлар беради. У Кўкон хонлигининг маъмурий тузилиши, 1856 йилдан кейин Бухоро ва Кўкон хонликлари ўртасидаги муносабатлар тўғрисида ҳам маълумот келтирган. Ч. Валихонов яна қирғизларнинг оғир аҳволи хақида, Муҳаммад Алихон (1822—1842) ҳукмронлиги, айниқса унинг ҳукмронлигининг дастлабки даврида Кўкон хонлиги томонидан қирғиз ерларининг босиб олиниши тўғрисида ҳам батафсил ёзади. Норин дарёсининг юқори оқимида қўконлик мингбоши Ҳаққули томонидан бунёд этилган Қуртқа қалъаси

атрофидаги ахвол мисолида Ч. Валихонов Кўкон феодалларининг киргизлар устидан юргизган махсус сиёсати ёнбосиш билан олиб борилганлигини аниқ кўрсатиб беради. Кўконлик мазкур миғбоши ўз ҳокимиятини саклаб қолиш учун киргизлар орасидаги нуфузли ва бадавлат оилалардан омонат олиш, баъзи уруг ва кавм бошлиқларига совга-саломлар бериш, ҳуллас уларни ўзига қаратиб олиш, уруглар ва кавмлар ўртасида низолар чиқариш йўли билан улар устидан ҳукмронлик кидганлигини аниқ ёзади. Олимнинг Кўкон хонлиги билан қизиқишини унинг «Кўкон ҳукмронларининг силсиласи» ва бошқа баъзи асарларида қўлланган Қошқардан то Ўш, Кўкон ва Тошкентга борадиган йўлларни кўрсатувчи қўллаб йўл кўрсаткичлардан ҳам билиш мумкин. Чўкан Валихонов асарларида этнографик маълумотлар, айниқса Ўрта ва Марказий Осиё халқларининг туриш-турмуши тўғрисида жуда қўп муҳим маълумотлар учратиш мумкин. Олимни нафакат бирон халқнинг этник таркиби, балки унинг маълум ҳудудда ўринлашиши масалалари ҳам қизиқтирган. У, масалан, ўзбек қабилалари ва уругларининг таркиби ва ўринлашиши хақида муҳим маълумотлар келтирар экан, бундай деб ёзади: «Туркистонлик ўзбеклар, уларнинг этник таркибидан ҳам билиниб турганидек, қабилалар иттифоқидан ташкил топган. Бирок, қозоқларга қараганда уларнинг қабилалар иттифоқи бирмунча катта. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Бухоро ўзбеклари қуйидаги қабилалардан ташкил топган: Қаршида қўнғиротлар, Бухорода манғитлар, Ёркўргонда хитой (қипчоқ) лар, Толиқон да қипчоқлар, Зиёуддинда найманлар, Панжшамбида жалойирлар, Қаршида ёбу ва сорилар, Каттақўргонда сарик хитойлар (шунингдек, минг, митон, баҳрин, буркут, қатагон, чендар, қорақалпоқ ва бошқалар). Бухородан ташқари, яна Кўконда юзлар, Қисорда лақай ва юзлар, Бойсунда қўпғиротлар, Қабодиёнда дўрмонлар, Қундузда қатагонлар, Қумушда мўйтанлар, Қайбақ ва Тошкентда қенағаслар, Болурда қипчоқлар, Қивада ва Кўконда яна ёбулар истиқомат қилардилар». Албатта, бу ерда ўзбекларнинг ҳамма қабилалар ва уруглари кўрсатилмаган. «Қасабномайи ўзбек», «Ақомийи наваду ду фирқайи ўзбек» асарларидаги маълумотларга қўра, ўзбекларнинг барча қабилалар ва уругларининг умумий қопи 92 га боради, Лекин шунга қарамасдан, Чўкан Валихоновнинг юқоридаги маълумотлари, айниқса ўзбек қабилалари ва уругларининг ўринлашиши хақидаги маълумотлари ўзбекларнинг этиқ тарихни ёзадиган муқасқислар учун ўта зарурдир. Чўкан Валихоновнинг асарларини ёзишда фойдаланган манбалари, умуман олимнинг турли-туман манбаларга муносабати хақида ҳам икки оғиз айтиб ўтишни лозим топамиз. Даставвал шуни айтиш қаракки, Ч. Валихонов ўтмишдан қолган бой маданият мерос ҳамда тарихий воқеалар хақида ёзганда, ўзидан аввал ўтган олимларни кўр-кўрона тақрорламайди, балки, иложи бўрича улар ёзиб қолдирган маълумотларни ҳад ал-имқон бойитиш ва жоиз бўлганда тузатишга қаракат қилади. Бундай тўлдиришлар олимнинг саёхатлари пайтида ўзи қориб кўрган юртлар, халқлар ва манзиллар, воқеа-қодисалар хақида ёзганда қўзга ташланади. Масалан, «Жунқория очерқлари» асарида мана буларни ўқиймиз: «Бу жойларнинг (Ёттиқув, Ила орти ўлкаси, Иссиққул — Б. А.) табиий қолати Сибирь штаби томонидан олинган ажойиб фототасвирлардан. яхши маълум ва Шрепк, Вланғали, Семенов ва Қолубев жаноблари томонидан илмий жикатдан пухта ўрганилган. Юқорида тилга олинган жойларнинг факат табиий-жўгрофий қолати баён этилган, лекин ўша жойларнинг этнографияси масалаларига ҳали қўл урилмаган... Шунинг учун ҳам мен ўша масалалар қорасида унутиб қолдирилган ва ҳали ҳеч қимга маълум бўл-маган нарсалар хақида ёзишга қаракат қилдим».

Олимнинг кўпгина асарлари, масалан, «Киргизлар хакидаги ёзишмалар», «Жунгория очерклари», «Олтишар ахволи хаки-да», «Кўкон хонлиги хакидаги эсдаликлар», «Кўконликларнинг Кашкардаги 1830 йилда Хитой билан бўлган уруши хакида маълумотлар» ва бошқа асарлари турли мазмундаги манбалар, хусусан, маҳаллий кўлёзма манбалар, бўлиб ўтган воқеаларни яхши биладиган одамларнинг ахбороти, халқ оғзаки адабиёти материаллари, маҳаллий ҳамда Ғарбий Сибирдаги рус маъмуриятининг расмий ҳужжатлари, шукиндек олимнинг саёхатлари асносида тўплаган маълумотларига ҳам асосланади.

Хулласи калом, Чўкан Валихоновнинг асарлари муҳим расмий ҳужжатлар, асосида ёзилган. Биз унинг Жувайний, Рашидиддин Мирзо Муҳаммад Хайдар (1500—1551), Али ибн Хусайн Воъиз ал-Кошифий (1532 йили вафот тойган), «шудингдек, Дегин, Д. Оссон, Бартольд, Вельяминов-Зернов асарларидан кенг ва атрофлича фойдаланганини кўрамиз. Шунингдек, олим Клопрат, Бичурин ва бошқаларнинг Хитой тарихига оид асарлар таржимасидан кенг фойдаланган. Ч. Валихонов яна Абулғози Баходирхон, Муҳаммад Содик Кошгарий, Жалойирий ва бошқаларнинг уйғур ва ўзбек тилларидаги асарларидан ўринли фойдаланган. Айниқса, у Жалойирийнинг «Жомеъ ут-таворих» асарида келтирилган маълумотлардан кўпроқ фойдаланган. Маълумки, Жалойирий козок хони Таваккалнинг қариндоши ва кейинроқ Қосимов шахрининг ҳокими бўлмиш Ўроз Муҳаммадхон саройида истикомат қилган. Шунингдек, Ч. Валихоновнинг И. Н. Березин (1818—1896) томонидан 1850 йилда нашр қилинган Олтин Ўрда хонлари Тўхтамиш, Темур Қутлуг, Қрим хонлари Саодат Гирай (1524—1532) ва Давлат Гирай (1551 —1577) ларнинг ёрликлари хакидаги фикр-мулоҳазалари ҳам муҳимдир.

Ч. Валихонов ўз асарларини ёзишда халқ оғзаки адабиёти материалларига муҳим этнографик манба сифатида катта аҳамият беради. Ўзининг сўзлари билан айтганда, «халқ афсона-ларида халқ оммасининг ҳаёти, урф-одатлари ва расм-русумлари ниҳоятда тугри ва аниқ ифода қилинган бўлади». Олим «Катта қирғиз-қайсак ўрдаси хакидаги эртаклар ва афсоналар», «Иссиқкўлга қилинган сафар қундалиги», «Киргизлар хакидаги қайдлар», «Жунгория очерклари» ва бошқа асарларида козоклар ва қирғизларнинг қелиб чиқиши тўғрисида фикр юритганда халқ афсоналари ва эртакларидан ҳар томонлама ва кенг фойдаланган.

Бўрибой Аҳмедов